

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 3.500.000 ТОННАДАН ОШДИ

Областимиз пахтакорлари янги ғалабани қўлга киритдилар. Зиммага олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Она-Ватанга 337 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Ҳали далада ҳосил кўп. 350.000 тонна Тошкент пахтаси тайёр, деб айтиладиган кунни яқинлаштириш учун курашайлик!

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 210 (3182)

Сешанба, 26 октябрь 1965 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ОФАРИН, ПАХТАКОР!

— Офарин, марду-майдон пахтакор!

— Офарин, ўйин, зўр хирмон пахтакор!

Лафзи ҳало, ваълага нифдор, азамат пахтакорга юз офарин, минг офарин! Пойтахтимизнинг баҳодир ва киришкор пахтакорлари меҳнатда ажойиб намуналарини кўрсатиб, маррага биринчи бўлиб етиб келган эдилар. Мана бугун эл-юрт унинг наватдаги ғалабасига қойил қолмоқда.

Ватан, партия, халқ олдида зиммага олинган юксак социалистик мажбурият ҳам бажарилди. Шу кунгача давлат омборларига 340 минг тоннага яқин Тошкент «оқ олтин» етказиб берилди. Бу — юксак қалби минг-минглаб чевар қўллар маҳсули. Бу — деҳқон мададкори, дўсти ва ҳамкори бўлган ажойиб «загори кема»ларимиз ва уларнинг шавқли капитанлари меҳнатнинг бебаҳо меvasи. Бу — кунларни тунларга улаб, ҳар бир туни қўқорачиндек асраган, ўз фарзандидек парварши қилган ота-ларимиз, оналаримиз, опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз билан кучининг, пешона терининг, ақл-заковатининг мунаввар натижасидир.

Кўкка бўй чўзган улкан хирмонларимиз, тоғ-тоғ «оқ олтин» бунтлари — олимлар, инженер ва конструкторлар, авиаторлар, ишчилар ва техниклар, шаҳарлик биродарлар, студентлар, хизматчилар ва оддий совет кишиларининг пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари ходимларининг зафарли, икбодли ва яратувчилар ишларининг ёрқин нфозидир. Бу ғалаба — партия, совет, касба-союз ва комсомол ташкилотларининг қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида олиб борган ташкилотчилик, сиёсий ва тарбиявий ҳамда оммавий ишларининг натижасидир.

Улуг айём — Октябр социалистик революциясининг шонли 48 йиллиги арафасида ғайратли ва шижоатли пахтакорлар, механизаторлар ва қишлоқ меҳнаткашларига, уларнинг улкан «оқ олтин» хирмонларини бунёд этишга ёрдам берган дўстлар ва биродарлар, мусобақадош ва мададкорларга офарин, баракалло, тасанно, деймиз.

Янгилик энди, янгилик ғалаба қилди! Бизнинг муваффақиятимиз сирин ана шунда. Пахтачилик ишларининг комплекс механизациялаш, нардисиз ишлайдиган зvenoлар ташкил этиш соҳасида олға ташланган дастлабки қадамларимиз туғайди ана шундай муваффақиятга эришидик. Терим қизғин тус олган пайтларда оққўронлик, бўкалик, ўртачирчиқ ва юқоричирчиқлик шундорларнинг ҳар бири кунига ўз машиналари бункеридан 4—5 тонналаб ёки йиллик планининг 6, 7, 8 проценти миқдорда пахта тўқдилар. Айрим колхозлар 20—25 кунга қўлмай давлат планини бажардилар.

Областимиз пахтакорлари партия ва ҳукуматимизнинг ғам-хўрлиги ва меҳрибонлигини ҳамма хис қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорлари деҳқончилик, айниқса пахтачиликни ва чорвачиликни ривожлантиришда янги истиқболлар очиб берди. Пленумнинг тарихий қарорларидан руҳланган колхозчилар ва совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари орадан ўтган қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда маҳсулот еттиштириш қўлайтиришда қувончли натижаларга эришдилар. Колхоз ва совхозлар хўжалигини рентабель бўлиши учун, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва бунинг натижасида меҳнаткашларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш таъминлаш учун жиддий иш олиб бормоқдалар.

1965 зафарли йилимиз — етти йилликнинг сўнгги йили якунланмоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партияимиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларидан бениҳоя руҳланган, бу йилги хўжалик йилини барча соҳаларда юксак кўрсаткичлар билан якунлаш иштерикида меҳнат қилмоқдалар. Қўпчилик колхоз ва совхозлар давлатга пахта сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Ҳамма ерда келгуси йилнинг мўл ҳосили учун тараддул қўрилмоқда. Шу улуг ва қувончли кунлар арафасида КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чакирчилари Бутун жаҳон бўйлаб баралла янгради. Партияимиз Марказий Комитети колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассисларини янги зафарларга чорламоқда.

СОВЕТ ИТТИФОКИ МЕХНАТКАШЛАРИ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ЭКОНОМИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА МУСТАҲКАМЛАШ — БУТЎН ПАРТИЯНИНГ, БУТЎН ХАЛҚНИНГ ИШИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНДА РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАРТ ПЛЕНУМИ ИШЛА ЧИҚҚАН ЭНГ ЗАРУР ЧОРАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚУНГ БИЛАН КУРАШИНГИЗ!

Пахтакорлар меҳнатига ҳамма тахсинлар ўқимоқда. Эртаинди Она-Ватан ўзбек пахтакорининг ажойиб ғалабасини муборакбод этди. 3 миллион 650 минг тонна «оқ олтин» тайёр! деб қувонч билан бир-биримизни табриклийдиган кун арафасида турибмиз. Бу улкан даврда пойтахт пахтакорларининг муносиб ўрни ва салмоқли ҳиссаси бор. Оққўронликлар 67 минг 914 тонна, бўкаликлар 65 минг 516 тонна, ўртачирчиқлар 56 минг 277 тонна, янгиқўлликлар 51 минг 285 тонна, бекободликлар 41 минг 65 тонна, юқоричирчиқлар 18 минг 771 тонна, Оржоникидзе райони пахтакорлари 18 минг 456 тонна, Калинин райони деҳқонлари 17 минг 132 тонна хирмон кўтардилар. Марду-майдон меҳнаткашларимиз 135 минг тонна ўрпа 150 минг 246 тонна пахтани «загори кема»ларда тердилар.

Бу ғалаба йил бўйи пешона тери-тўкиб, ҳар қандай қийинчиликларни мардондор енгиб, астойдил қилинган меҳнатимизнинг самарасидир. Лекин деҳқонларимиз олдида ҳали катта наифалар турибди. Ҳар бир хўжалиқининг даласида йиғиштириб олинмаган пахта бор. Бир неча колхоз ва совхоз давлат планини бажарганида йўқ. Айрим хўжаликларда келгуси йил тараддул қилинмапти. Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида амалга оширилмиш лозим бўлган жуда муҳим ишлар турибди. Колхозчилар ва совхоз ишчилари, хўжалик ва партия ташкилотларининг ходимлари уларнинг бутун эътиборларини бу вазифаларнинг муваффақиятли адо этилишига қаратишлари лозим. Шунга эришайликки, давлат планини бажармаган бирон хўжалик қолмасин. Келгуси йилга ҳозирдан пухта замин тайёрлайлик.

Болгария делегацияси Москвага келди

КПСС Марказий Комитетининг ташкифига биноан, Болгария Коммунист партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг расиси Тодор Живков бошичилигида Болгария партия ва ҳукумат делегацияси 25 октябрда Москвага келди.

Внуково аэродромда болгариялик ўртоқлари Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суевлов, Ю. В. Андропов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).



ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети ва област ижроия комитети колхоз ва совхозларда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида учинчи қаватдаги ишларнинг якуний кўрсаткичи, область партия комитети ва област ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозига (райси Мираев, партия ташкилотининг секретари Жонобеков, комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Юсупов ўртоқлар) беришга қарор қилди. Бу колхоз III қаватда чорва моллари туғини қўлайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш соҳасида энг яхши кўрсаткичларга эришган. Пирик шохли қорамоллар плани 106,3 процент, шу жумладан сизирлар 98,9, қўй ва қўзилар туғини қўлайтириш плани 97,1 процент бажарилиб, йиллик туғиш 106,6, сут етиштириш плани 77,8 процент адо этилган. Колхозда давлатга туғиш сотиш йилиги планини 101,5 процент, сут сотиш 81,9 процент бажарилиган, ҳар бош сизирдан 2740 килограммдан сут соғиб олинган. Колхоз дағал хашак тайёрлаш планини 103,8, силос бостириш 101,6 процент адо этган.

Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоздан олиб берилди. Область партия комитети ва област ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Янгийул районидаги «Чиноз» насликни совхоз-техникумда, (директори Азамов, партия ташкилотининг секретари Қурбонов, ишчилар комитетининг расиси Исмонлов ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхоз-техникум III қаватда чорвачиликни ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичга эришган. Пирик шохли қорамоллар туғини қўлайтириш планини 112,4 процент, қўчаларни қўлайтириш 144, қўй ва қўзилар қўлайтириш 126 процент бажарилиб, йиллик туғиш 101,5, сут сотиш 81,9 процент бажарилиган, ҳар бош сизирдан 2740 килограммдан сут соғиб олинган. Колхоз дағал хашак тайёрлаш планини 103,8, силос бостириш 101,6 процент адо этган.

Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоздан олиб берилди. Область партия комитети ва област ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Янгийул районидаги «Чиноз» насликни совхоз-техникумда, (директори Азамов, партия ташкилотининг секретари Қурбонов, ишчилар комитетининг расиси Исмонлов ўртоқлар) қолдирилди. Бу совхоз-техникум III қаватда чорвачиликни ривожлантиришда энг яхши кўрсаткичга эришган. Пирик шохли қорамоллар туғини қўлайтириш планини 112,4 процент, қўчаларни қўлайтириш 144, қўй ва қўзилар қўлайтириш 126 процент бажарилиб, йиллик туғиш 101,5, сут сотиш 81,9 процент бажарилиган, ҳар бош сизирдан 2740 килограммдан сут соғиб олинган. Колхоз дағал хашак тайёрлаш планини 103,8, силос бостириш 101,6 процент адо этган.

Мадаиний саройи залида ишчилар, олимлар, инженерлар, маданият арбоблари, қишлоқ меҳнаткашлари, генераллар ва офицерлар ўтиришди. Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Киев мусобақалаштаган Ереван ва Харьков шаҳарларидан келган меҳмонлар ҳозир бўдилар.

Зилар қўлайтириш 126 процент қилиб бажарган. Йиллик туғиш тайёрлаш плани 65,3, сут тайёрлаш 81,1, жун тайёрлаш 85,7 процент бажарилиб, давлатга туғиш сотиш 73,5, сут сотиш 83,3, жун сотиш 100 процент бажарилиган. Совхоз-техникумда ҳар бир сизирдан 2800 килограммдан

сут соғиб олинган. Дағал хашак тайёрлаш плани 115,1, силос бостириш плани 73,5 процент қилиб бажарилиган. Оққўрон районидаги Ленин номи ва Юқори Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхозларининг чорвачиликни ривожлантириш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

РЕСПУБЛИКА ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Республика чорвадорлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини амалга ошира бориб яна бир катта ғалабани қўлга киритдилар. Тайёрлов пунктларига 200,3 минг центнер жун топширилди. Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Янгийул, Чуст, Наманган, Қува, Ленинград, Нурата, Ғаллаорол, Нарпай, Тошди, Бухоро, Ғузор, Косон, Шеробол, Ўрта, Шовет, Янгиюрти, Тўртқул, Бируний районлари жун топшириш планларини анча ошириб бажардилар.

Давлатга жун топшириш давом этмоқда.

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 25 ОКТЯБРГАЧА БУЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Маъсум боши-дан бери	Шу жумладан бир кунда машина терими	Маъсум боши-дан бери
ОРЖОНИКИДЗЕ	0,19	121,07	0,10	116,20
ОҚҚЎРҒОН	0,25	113,19	0,08	131,84
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,26	112,33	0,02	111,95
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,16	110,42	—	123,47
КАЛИНИН	0,32	108,19	0,36	72,62
БҒКА	0,22	107,77	0,09	113,16
ЯНГИЙҒЛ	0,76	102,63	0,74	93,23
БЕКОБОД	1,23	100,01	1,58	100,00
ОБЛАСТ БУҒИЧА:	0,45	108,52	0,38	111,29

ЖАҢҒЧИ ВА МЕХНАТКАШ КИЕВГА ШОН-ШАРАФЛАР!

КИЕВ, 23 октябрь. (ТАСС мухбири). Бугун Киевликларнинг халқ байрами. Қаҳрамон шаҳарга «Олтин юлдуз» медали топширилган мусобақати билан Октябр маданий саройида Украина Компартияси Киев область ва шаҳар комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Совети яқини комитетининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тантанали мажлиси ўтказилди.

Қадимий Киев ўз умрида қўнғина уруш тўфонларини бошидан кечирди, ўт ва қилич билан украин тупроғига келган қўлгана душман ғалаалари кекса Днепр соҳилларида гумдон бўлди. Аммо, Улуг Ватан урушининг биринчи йилида Украина пойтахтининг қаҳрамонона мудофаа қилинганлиги бу шаҳар тарихида алоҳида ўрин тутди.

Мадаиний саройи залида ишчилар, олимлар, инженерлар, маданият арбоблари, қишлоқ меҳнаткашлари, генераллар ва офицерлар ўтиришди. Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград, Севастополь ва Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Киев мусобақалаштаган Ереван ва Харьков шаҳарларидан келган меҳмонлар ҳозир бўдилар.

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, Украина ССР Олий Совети Президиумининг расиси Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Советининг расиси В. В. Шероболский ва республиканин бошқа раҳбарлари, Киев шаҳри ва областининг доғдор кишилари, тантаналарда қатнашган учун келган делегацияларнинг бошлиқлари президиумга чиққаларида, мажлис аҳли уларни санимий кутиб олди.

Украина Компартияси Киев об-ласть комитетининг биринчи секретари В. И. Дрозденко мажлис қисқача кириш нутқи билан очди. Музика садолари остида қаҳрамон Киев шаҳарининг байроғини залга олиб киридилар. Ҳамма ўриндан турди, гулдўрос қарсақлар бошланди.

Ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, Совет Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан Украина пойтахти меҳнаткашларини, бутун украин халқини қаҳрамон Киев шаҳрини юксак муқофот — «Олтин юлдуз» медали топширилгани билан табриклади. Ана шу тантанали маросим Киев Армияси жаңгичилари ва шаҳардаги қаҳрамон гранддарларининг, лашкарлар, партизанлар, подпольечиларнинг хулласи Улуг Ватан уруши йилларида Совет Украинясининг пойтахти учун жанг қилган барча эркаклар ва хотин-қизларнинг кўр-

сатган фидокорона қаҳрамонлигини совет халқи тақдирлаётганлигини даволат берди. Л. И. Брежнев Улуг Ватан уруши йилларида Совет Ватанининг озодинги учун курашган ҳалок бўлган кишилар хотирасини бир минутлик сукут ичида ҳурмат билан эсга олишни тақдир этди.

Л. И. Брежнев Киев мудофаси қаҳрамонлари тўғрисида, гитлерчилар оккупацияси шароитларида душманга қарши курашган шонли ватанпарварлар — подпольечилар ва партизанлар ҳақида, шаҳарнинг озоқ қилиниши тўғрисида гапирди. Бизнинг шонли Коммунист партияимиз — Ленин партияси душманин тор-мор келтиришда жуда катта роль ўйнади. Совет кишилари социалистик ватанпарварлигининг улуг идеялари билан илҳомланиб, ғалаба қуналари каби урушининг энг оғир пайтларида ҳам душманга қарши жанг қилдилар. Коммунист партия ҳар биримизни социалистик ватанпар-

варлик руҳида тарбиялаб келди. Фашист корчалонлар халқларимизнинг қардошларини олдасини бундй киборишга умид боғлаган эдилар. Аммо, социализм мамламати халқларининг дўстлигини шу вақтгача ҳеч ким буза олган эмас ва ҳеч қачон бузо olmayди! Уруш тавом бўлган пайтдан бундй йигирма йил ўтди. Бизнинг Ватанимиз шу йиллар ичида олға қараб катта қадам қўйди. Совет Украинаси ўсиб ва мустақамланди. Қардош халқларнинг ҳаммаси уруш вақтида вайрон бўлган хўжалигини тиклашда, Украинанин ҳароб бўлган қишлоқ ва шаҳарларини қайта қуришда Украина меҳнаткашларига ёрдам бердилар. Украина индустрияси ривожланди, қудратли индустрия бўлиб қолди, қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялаштирилди. Украина фани, санъати, адабиёти ўз тараққийида катта муваффақиятларга эришди.

(Давоми иккинчи бетда)

ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ, НАСИБА



Насиба Абдумунинова ўз ҳамкасблари олдида сўзга чиқиб, бу йил мавсумда тўққиз тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган. У ваъдасининг устидан чиқиб йўлида зўр ғайрат кўрсатиб ишлади. Кундан-кунга кўпроқ пахта терди. Батъи кунлари унинг терган пахтаси 200-220 килограммданга тўғри келди. Шу сабабли ҳам у, ўз зиммасига олган мажбуриятини муддатидан олдин бажарди. Ҳозир унинг терган пахтаси 9500 килограммдан ошиб кетди. Энди у хирмонга ўн тонна пахта тўқмаган деярли. Суратда: Янгийул районидagi Ленин номи колхозининг чевар теримчиси Н. Абдумунинова. И. Шонногомов фотоси.

БЕКОВД ПАХТАКОРЛАРИ МАРРАГА ЕТДИ

ҲОСИЛДОРЛИК ОШАДИ



Бекобод шаҳридан чиқиб Тошкентга йўл олганда бизнинг пахтакорларимизнинг қўқ ўр- тасидан ўтасиз. Кеча ёки ол- динги кун шу ердан юрган бўлсангиз даладаримизни яна бир бор кўрайдисиз. Ҳамма- ёқ оппоқ пахта. Хали ҳам те- римга туширилмаган, деб ўй- ларсиз. Йўқ, бу ердаги пахта майдонининг ҳар гектаридан 21 центнердан хирмон кўта- риб пилани ошириб бажардик. Яна бир куч бериб қолган ҳо- сибли ҳам тезда йиғиштириб олишга ҳаракат қилишимиз.

Даламизда пахтанинг бир минсолини нобуд қилмай йи- гиштириб оламиз. Чамаллаб кў- рдик, гектардан қандайдая 7 центнердан «оқ олтин» топи- риш ниятидамыз.

Илгарилари ишчи кучи кам, техника етарли бўлмаганлиги сабабли ҳосилдорлик 12-13 центнердан ошмас эди. Биз ишдаги бу етишмовчиликларни

тезроқ бартараф қилиш учун курашдик. Бўлимимизга таъ- миноти деҳқонлар келиб қўшил- ди. Уларнинг ҳаммаси уй-қил- билан таъминланди. Хукумати миз техникадан ва ўғитдан ёр- дам кўрсатди. Бригада ва зе- ноларини ҳар тарафлама муста- ҳамладим.

Табиатнинг инжиқчилигини фидокорона меҳнат билан ен- дик, 670 гектар ернинг ҳамма- си серум, мўл ҳосил беради- ган майдонга айланди. Бу йил ҳам пиландан ташқари кўп пах- та топириб қўшимча ҳақ ола- миз.

Халол меҳнат қилётганлар натта даромад олмақдлар. Р. Раҳимбердиев, Н. Тўхтаматов, А. Ҳасанов каби механизаторла- римиз чарчаш нимадигини била- май ишлашяпти. Уларнинг ҳар бири барқали хирмон кўтариш- та муносиб ҳисса қўшилишти. Бўлимимиз механизаторлари «зангори кема»лар бункеридан

700 тонна «оқ олтин» тўкиш учун ҳаракат қилишяпти. Х. Мамажонова, С. Мамадалиева, С. Гойиназарова каби ишчи- ларимиз мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Биз техникадан моҳирлик билан фойдаланиб ҳосилдорлик- ни доимо ошираверамиз. Бизла- кам ҳосил берадиган қарлар бўлмайди. Етиштирилган мўл ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиб, келгуси йил учун ҳам ҳозирдан пухта замин ярат- миз. Бу билан биз Партиями- знинг XXIII съездининг муносиб кутуб оламиз.

Р. НОҚЎЗИЕВ,
2-Далварзин совхоз 1- бўлимнинг бошқарувчиси.

„ПЎЛАТ ОТ“ЛАР ҚУДРАТИ

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан бошланган мусобақа қиз- гин давом этапти. Механизатор- ларимиз бир ёқдан бош чиқариб, бу мусобақада фаол қатнашил- лар. Бўлимимизда пахта тайёрлаш пилани ошириб бажарилди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан хир- мон кўтарилди. Машинада пахтани териб топиришга ҳам яхши бўл- ди. Бу соҳадаги план 140 про- центдан ошиб кетди.

Лекин шунга қарамай, биз ме- ханик-ҳайдовчилар ишчи бўлашти- рмаемиз. Ҳар биримиз «пўлат от»- ларнинг кўпроқ ишлашини таъ- минлашимиз. Мен ҳам 70 тонна- дан ортқ пахтани «зангори ке- ма»да тердим. Яна 20 тонна пах- та териб бериш учун ҳаракат қилишимиз. Қаммасбарим Ш. Ка- моллов, М. Шодиев, Х. Эгамберди- евлар ҳам зўр тайврат қилмоқда- лар. Улар ўз анималарига олган мажбуриятларини бажарганидлар- ни ҳақида яқин кунларда галаба рапорти берадилар. Теримни тез- роқ тугаллаб, шудгорни қучайти- риб юборамиз.

Р. ЮСУПОВ,
Бекободдаги ўзбекистон
металлургия заводи
директори.

М. АБИЛОВ,
«Чанок» совхоз 3-бўлими-
нинг механик-ҳайдовчиси.

ФАХРЛАНАМИЗ

Бекобод маррага етди. Ил- горлар сифидан ўрин - олди, Ватан омборига 41 минг тон- надан зиёроқ «оқ олтин» тўк- ди.

Металлургиямиз ишчи би- лан деҳқоннинг бир-бирига яқиндан ёрдам бериб ишлаш- сув билан ҳаволан даркор, де- моқдалар. Улар ўртасида дўст- лик, ҳамкорлик янада муста- ҳамламиди.

Мана бунинг бизнинг завод ми- солида кўриш мумкин. Метал- лургия заводида республикада илгор қорхоналардан бири ҳи- собланади. Доимо қавратил, йиллик пиланларини ошириб бажаради. Бизга қўшни бўл- ган Ленин номида кўлхоз эса кўп вақт пилани бажармай мелади. Биз металлургия кўлхо- зини ортиқча олдик. Ер- дам қўлимизни қўздик. Метал- лургия билан пахтакорлар ўр- тасида дўстлик алоқалари бор- ган сари ривожланиб бори- ди. Кўлхоzinнинг техникасини ремонт қилишга ёрдам бердик. Уста- хонани механизациялаштирдик. Техникани тез ва сифатли ре- монти қилиш учун бача шаро- итлар яратиб берилди. Завод- нинг грейдерлари, экскаватор- ларининг кўп вақти кўлхозда ўтди. Ариқ-зорлар қазидик. Қишлоқ кўчаларини текисла- дик, бир неча километра йўл- ни асфальтлаб бердик. Йиғим- теримда, прокатчи, мартенчи- ларнинг ҳиссаси ҳам катта. Улар доимо ёрдам беришади. 200-300 тонна пахтани териб беришади.

Юқоридаги ишларнинг ҳам-

Механик-ҳайдовчи ўртоқ А. Эшбосев шу кунларда ҳам 2 тоннага етказиб пахта териб пешонамизни кўздан бера- япти. Эшбосевнинг ҳозиргача терган пахта 60 тоннадан ошиб кетди. Суратда: Навоий номида кўлхоzinнинг моҳир ме- ханизатори ўртоқ А. Эшбосев. А. Аббас фотолари.

Р. ЮСУПОВ,
Бекободдаги ўзбекистон
металлургия заводи
директори.

М. АБИЛОВ,
«Чанок» совхоз 3-бўлими-
нинг механик-ҳайдовчиси.



НАВБАТ МАҲБУРИЯТГА

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани қучайтирган райони- миз меҳнаткашлари дастлабки галабани кўл- га киритдилар. Ватан омборига 41 минг тон- надан ортқ «оқ олтин» тўкиди. Терим агрегатларидан моҳирлик билан фойдаланиш орқасида пилани ўтган йилга нисбатан 15 кун олдин бажардик. Пахтакорларимизнинг маши- нага илхос қўйишлари сабабли яқин ҳосил- нинг 46 проценти «зангори кема»лар ёрдами билан териб олинди.

Ҳали кўлхоз ва совхозларимиз дала- седа ҳосил кўп. Уни тезроқ йиғиштириб олиш учун барча кучини ишга соламиз. Қўшимча равиш- да давлатга яна 3 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдик.

Шуни қайд қилиш керакки, райони- миз меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштириш йўлида мардонавор кураш олиб бордилар. Об-ҳаво но- қулайлиги тугайли юз берган қийинчиликлар ен- гилди.

Чингит экин даврида изғирин шамолларга тез-тез дуч келиб турдик. Шамол ва бўронлар экилган чингитнинг ернинг ўз- намида ундириб олишга имкон бермади. Шунга қарамай биз ҳамма қараларда чингитни бир текисда унди- риб олишга ҳаракат қилдик. Уч марта чингит суви беришга тўғри келди. Бошқа районда- ларга қараганда бизда ўсимлик 20 кун ке- чик-киб ривожланди.

Пахтакорларимиз ўртасида КПСС Мар- кизий Комитети маз Пилани қарорлари кен- с ва атрофида тушунтирилди. Агротехника фа- ни ютуқлари, илгорлар тажрибаси оммалаш- тирилди. Техникадан тўла ва умумий фойда- ландик. Қамкуват ҳўжаликларини ишчан, ташиниловчи ва тажрибали кадрлар ҳисобига мустаҳкамладик.

Маълумки, «Победа» кўлхоzin биргина рай- онимизда эмас, ҳатто областимизда ҳам энг қол- қоқ, қамқосилли ҳўжаликлардан бири бўлиб қолган эди. Ўтган йили областдаги ҳамма кўлхоzлар пахта тайёрлаш пиланин бажарган бўлса ҳам «Победа» кўлхоzin маррага етаол- маган эди.

Район партия комитети бу кўлхоzin қол- қоқлидан чиқариш учун деҳқонларга яқиндан ёрдам берди. Район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Ҳатамов шу кўлхоzга раис қилиб сайланди. Яқин раис ишчи янгица та- шкил қилди. Ирригация-мелиорация ишларида- ги рўй берган қамчиликлар тезда бартараф қилинди. Ерларнинг шўри ювилиб, кейин чи- гит экилди. Қанчадан-қанча зовурлар қазил- ди. Бригада, звено, участка бошлиқларига таъиниловчи ва тажрибали деҳқонлар раҳбар- лик қилишди. Ҳўжаликда иш асоси принципи асосида таъиниловчи. Натижада дала ишчи- ни кўнсалатгидек йўлга қўйилди. Шу йилнинг ўзигадек кўлхоzда мўл ҳосил етиштириш со- ҳасида мустаҳкам замин яратилди. Кўлхоz механизаторлари ҳосилини йиғиштириб олиш-

да жонозлик кўрсатдилар. Шу сабабли план ошириб бажарилди. 29 звенонинг 28 таси эндиликда мажбурият ҳисобига пахта то- ширилди. Кўлхоz бир йилини ўзига давлатга ўтган йилга нисбатан 1000 тонна кўп пахта етказиб берди.

1-«Далварзин» совхозининг бўлим бош- қарувчиси ўртоқ И. Ортиқов Дзержинский но- мида кўлхоzга раис қилиб сайлангандан кейин ҳўжаликда иш яна ҳам юрилиб кетди. Биз асосан пахта бўлишларига ҳам ана шун- дай ишбилармон, таъиниловчи кишиларни қўйиш тадбирларини кўрдик. Улар меҳнатда ўзларини кўрсатдилар, халқ ишончини оқла- дилар. Райондаги 361 та звенонинг кўпчили- ги ана шундай мутахассис, моҳир кишилар раҳбарлиги қилишяпти.

Юқоридаги таъиниловчи ишларимизнинг амал- га оширилиши натижасида барча майдонларда ҳосилнинг мўл бўлишига эришдик.

Кўлхоzлар сектори бўйича пахта тайёрлаш пилани муваффақиятли бажарилди. Совхозла- римиз ҳам яқин кунлар ичида галаба рапо- рти берадилар. Районда тузилган 361 та зе- нодан 210 таси маррага муддатидан илгари етиб келди. Умуман, бу йил бизда пахта тай- ёрлаш пиланин бажармайдиган биронта ҳўжа- лик қолмади.

Район партия комитети ҳар бир кадрни ишга бўлган масъулиятини кундан-кунга оширилди. Биз қарларга нисбатан дўқ, те- писа қилиш, мажбурий, партиявий мора кў- риш йўли билан раҳбарлик қилаётганимиз йўқ. Аксинча уларнинг таъаббусларини қўла- б-қувватлаб йўл қўйилган қамчиликларни тузатишда уларга яқиндан конкрет ёрдам берилди. Қишлоқ ҳўжалиги мутахассисла- рининг роли оширилди. Район партия комитети- нинг ходимлари, район қишлоқ ҳўжалик иш- лаб чиқариш бошқармасининг мутахассисла- ри жоиларга қоралариди амалий иш бил- лан шуғулланмоқдалар. Улар жоилардаги партия, ҳўжалик ходимларига яқиндан ёрдам беришяпти. Биз пропаганда аги- тация ишларини ҳам қонкрет, ишга ижо- би ёндашиб билан олиб боришимиз. Қўруқ қақирқилардан воз кечдик. Ҳар бир ҳўжалик, бригада ва звено аъзоларининг галдаги вази- фаларини муваффақиятли амалга оширишда ким қанча ҳисса қўйишлари кераклигини кон- крет равишда тушунтиришимиз. Агитаторла- римиз кўпроқ илгорлар иш тақрибасини ом- малаштирмоқдалар.

Биз яқин кунлар ичида анимамизга олган юксак мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз. Эришилган ютуқлар билан мағ- рурланиб кетмаймиз. Ҳар бир кундан тўғри фойдаланиб, келгуси йилининг ҳосили учун ҳозирдан бошлаб пухта замин яратамиз.

М. НҒЪМОМОВ,
Бекобод район партия комитетининг бир- инчи секретари.



Суратларда: (Юқорида) 1. Бекобод райондаги Навоий номида кўлхоzinнинг теримчи қиз- лари (чапдан ўнгга) Х. Худой- кулова, Х. Рустамова, Б. Ма- раҳимжонова ўртоқлар. 2. (Юқ- оридан пастга) 1-«Далварзин» совхозининг 6-бўлими бошқарув- чиси А. Халилов, шу совхоз- нинг звено бошлиғи А. Мад- маров. 2-«Далварзин» совхоз 1-бўлимнинг бошқарувчиси Р. Норқўзиев, Навоий номида кўлхоzinнинг звено бошлиғи О. Юлхашиев, «Победа» кўл- хоzinнинг бригада бошлиғи Р. Бозорбеков ўртоқлар.

Хавонинг авзойи тушдан кейин бирдан ўзгарди. Кўш парда тут- ди. Кун совиди. Узоқларда қат- қат булутлар пайдо бўлди. Паст бў- ли, қорачадан келган тракторчи йиғит Фарҳод тоғига тикилди. Тоғқа ёмғир ёғатган бўлса ке- рак, нўнгидадан ўтказди у.

Пилат чаккон ҳаракат қилиб ишларди. Юлганган кўскаларни саройга тезроқ ташиб олишга ошиқарди. У пахтазордан чиқиб, катта йўлга бурилиши билан тракторини яна ҳам тезлаштирди. Кечта қадар жуда кўп қўсакни саройга келтириб ташлади.

Қош қорайди. Пахтазорда жим- лик ҳукмрон. Саройдаги проже- торлар нур сояиб ҳаммаёқни кун- дудек ёритиб юборган. Бир зум- да бу ер кишилар билан тўлди.

Яна бир катта давом ошдик. КПСС Марказий Комитети сен- тлаб Пилани қарорларидан руҳланган, мамлакатда ҳар ка- чоғидан ҳам кўп ва алоқ- сизлиги «оқ олтин» етказиб бе- риши дилларига ҳо қилиб ол- ган областимиз меҳнаткашлари яна бир улкан галабани кўлга киритдилар. Зиммага олинган юксак — оширилган мажбурият ҳам 23 октябрда адо этилди.

Областимизнинг азамат меҳ- наткашлари она-Ватанга ҳозир- гача ҳаммаси бўлиб, 337 минг тонна ёки пиландан ташқари 27 минг тонна кўп пахта етказиб бердилар. Бу ўтган йилнинг шу вақтидаги қараганда 62 минг тонна кўпроқ.

Бугун ҳамма-ҳамманинг дила- да кувонч. Ҳамма толиб пах- такорларимизни эришилган ул- кан галаба билан қутламоқда.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ САМАРАСИ

кор ҳўжалик бўлса, шундан 90 таси пилани ва социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб бажардик.

Орқонининг райондаги «Қи- зил Ўзбекистон», Юқори Чир- чик райондаги «Политотдел», Свердлов номи, «Правда», Ин- гилбулдаги Ҳамроқул Турсун- кулов номи, Ўрта Чирчиқ рай- ондаги Охунбеков номи, «По- лярная звезда», «Ленин йўли» ва «Северный маяк», Бекобод райондаги Ленин номи, Бўка райондаги Ҳазма номида кўл- хоz аъзолари социалистик маж- буриятларини муваффақиятли бажардилар.

Совхозларнинг ишчилари ҳам тер тўкиб меҳнат қилдилар, улкан хирмоннинг яратилишига салмоқли ҳисса қўйишлар. «ЎзССР беш йиллиги» совхоз- нинг давлатга топириган пахта- си ҳозирги кунга қадар 11,5 минг тоннадан ортқ негди. 2-«Оққўрғон», 1-«Пискент» сов- хозлари ҳам пахтадан юқори ҳосил олдилар.

Областимиз уч йилдан буюн сурункасига пахта пиланин ба- жариб келмоқда. Лекин ҳеч вақт бу йилгидек суръат бўлма- ган, бу йилгидек галаба кўлга киритилмаган эди.

Ҳар йили ўларнинг аjoyиб қишлоқ ҳўжалик машиналари, техникаларини билан деҳқонлари хурсанд қилётган санаватчиси- миз, шаҳарлик биродарлари- миз бу йил ҳам деҳқонлар бил- лан олканма-олкан меҳнат қи- лдилар.

Юксак социалистик мажбури- ятининг шараф билан бажари- лганини ҳақида гапирар экан- миз, меҳнатни ташкил қилиш- нинг янги формаси — меҳани- вациялашган звеноларнинг ҳи- змати алоҳида қайд қилиши- миз керак. Кўлхоz ва совхоз- ларда меҳнаткорларнинг звено- ларга мустақил бошлиқ қилиб, уларга қатъий маъи белгилаб қўйилиши, ишнинг ҳўжалик асо- сида ташкил этилиши, звено аъзоларига етиштирилган ҳо- сиблигини миқдори ва сифатига қараб устама муқофот, қўшим- ча ҳақ тўлалиши — мўл ҳосил етиштиришда катта роль ўйна- ди.

Бу йил областимиз далалари- да ана шундай звенолардан 2865 таси ишладилар. Улар барча пахта майдонининг 95 проценти- да гўза ўстирдилар. Бу звено- лардан 500 га яқини нарядиз- га уштарди шў олиб берди.

Механизациялашган звенола- рнинг ҳосили кўп бўлди. Энг му- хлими шунки, бундай звенолар- даги асраш, уш серҳосил қи- либ ўстириш учун чинакамга кураш бошланди. Механизатор- звено бошлиқлари, таъиниловчи пахтакорлар, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари ўларнинг куч ва маҳоратларини ишга солиб, ҳар бир кўлай имкониятдан ўз- ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Илгорлар тақрибаси кенг ёйилди.

ТУНДА

Хамма яна ишга киришиб кетди. Қўрак тозалаш машиналари тўх- товсиз ишлаб турибди. Уларнинг бири илгичисидан кўпроқ пахта чиқаришга ҳаракат қилияпти. Ки- шиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Акбарали Умаров раҳбарлик қи- лаятган кўрак чувиш машинаси ол- динга яқинлашмади. У, трактор- нинг тўхтовсиз ишлаши, бу ер- да кўз-қўлқ бўлиб турибди. Аб- дуқалил билан Ўришбайлар кў- рақларини машинага ташлаб тури- шишди. Машина бир текисда иш- лаб кўракларни чувиб пўчоғини ўнгга, пахтасини чагга чиқариб

ташляпти. Пешонасини рўмолча билан таъгиб олган Холдарбекда ҳам тиним йўқ. У гўза, пўчоғини паншада билан узоққа притиқ- қида. Наҳминдин ака билан Хуш- назарга юклатилган вазифа ҳам масъулиятли. Улар бир кишидан ҳаракат қилиб чувишган «оқ ол- тин»и тележаларга орттиришяпти.

Туниг соат уч. Ҳанжон пунт- га охири пахтани ташлаб қайтди. Унинг юзиди табассум. Қўвончи- ни кўрак чуувчиларга айтиб берди.

— Ишларингиз чакки бўлмаб- ди, — ўн беш тонна пахта топи- рибсизлар.

Акбарали мамун жавоб қилди: — Демак, нормаи икки бара- вар бажарибмиз-да. Ҳаво очилиб кетди. Юлдузлар чарқалапти. Ўртага кун чарогон бўлади. Те- римчилар ҳам, меҳаник-ҳайдо- вчилар ҳам, кўрак олиш маши- налари ҳам янада барқали ишлай- ди. Биз ҳам улардан орқада қол- маймиз.

Акбарали бу гапларни ҳам- касларини номидан қатъий қи- либ айтди.

Ўртоқ Абдусамат Халилов бош- ли 6 бўлим ишчилари пахта тай- ёрлаш пиланин бажаришларига ани- ча бўлди. Техника деҳқонлар- нинг оғирини енгиб қилмоқда. Шу сабабли пахта териб, кўрак олиш бўлаштирилмапти. Тай- ерлов пунтига пахта жуғушти- ш тўхтовсиз, икки сменада давом этмоқда. Бўлим коллективни план- дан ташқари қўшимча 300 тонна пахта топириш учун курашяпти.

Балли азаматлар, сизларнинг кунини-тунига улаб қилаётган меҳ- натларингиз уявган хирмонингиз элимиз хирмонига барака кири- тади.

М. ҒОЗИЕВ,
1-«Далварзин» совхоз.

Бўз, ууам ва кун етказиб бериш топириларини ҳам муддатидан илгари адо этилди. Ҳозир- ги кунда сабазавот, луб, шол, гўшт, сўт ва бошқа ишлалар ҳў- жалик маҳсулотлари сотиш пиланларини бажариш юзасидан қизгин кураш бормоқда. Ҳеч шубҳасиз бу соҳада ҳам ишчан оқланади.

Ҳозир даладаримизда сўғити грам, сўғити қилмоқдалар териб олинмоқда. Шу билан бирга келгуси йили ҳосилига тайёргалик ишлари ҳам ҳар тарафлама қилиб юборилди. Деҳқонларимиз эришилган гала- бани амалий иш билан муста- ҳамлашяпти. партия ва хукума- тимизнинг таъаббулига яқин галабалар билан жавоб берамиз деб, кўтариш рўхда меҳнат қилмоқдалар. Улар давлатга бе- риладиган «оқ олтин»нинг яқин ҳосилини 350 минг тоннага ет- казиш учун бел боғлашяпти.

Бу республикамизнинг катта хирмонига қўйилган муно- сиб ҳиссамиз бўлади.

И. ЛИ,
област, қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 26 ОКТЯБРЬ 1965 ЙИЛ.



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

Реклама
ВА Эълонлар
ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ МАМЛАКАТЛАРИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ ПАРАДИ

ЭРФУРТ. Варшава шартномаси мамлакатлари қўшинларининг машаққатли тамомланганлиги муносабати билан 24 октябрда бу ерда ҳарбий парад ўтказилди. Парадда Германия Демократик Республикаси, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия армияларининг бўликлари қатнашди. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгаши раиси В. Ульбрихт, Министрлар Советининг раиси В. Штоф, Германия Демократик Республикасининг бошқа раҳбар арбоблари, Варшава шартномаси мамлакатларининг мудофиа ва министри марказий трибунага чиқиб турдилар.

чи давлатлар бирлашган қуроли кучларининг бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко парад қатнашчилари олдига кутуб сўзлаб, бу машаққат қўшинларининг жамоавар тайёргилиги ўсганини, ҳамма қўшин турларининг қисмлари ва бирлашмалари бир-бири билан аниқ боғланган ҳаракат қилганлигини, улар бирлашган кучлар билан жағ ҳаракатларини олиб боришга лавозимли эканлигини аниқла кўрсатди, деб унтиниб ўтди.

ПОКИСТОН ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШНИ ИЛТИМОС ҚИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. 23 октябр. (ТАСС). Покистон ташқи ишлар министри Бхутто Бирлашган Миллатлар Ташкилотини Хавфсизлик Кенгашининг раисига хат юбориб, жағларни тўхтатиш тўғрисидаги битимни Ҳиндистон бузаётганлиги ҳақида Покистоннинг шикоятини

муҳокама қилмоқ учун Хавфсизлик Кенгашининг ошмиғи мажлисини чақиришни сўради. Дастлабки маълумотларга қараганда, Хавфсизлик Кенгаши шу масалани муҳокама қилмоқ учун 25 октябрда тўплади.

ПЕРУ ДЕҲҚОНЛАРИДАН ЎЧ ОЛИНДИ


ГАВАНА. 23 октябр. (ТАСС). Перу ҳукумат қуроли кучларининг солдатлари Сатипо районида 15 деҳқонни отиб ташладилар. Яқинда ҳукумат қабул қилган ва партизанларга ҳамда уларга қўмаклашган кишиларга қарши қаратилган қонун асосида жуда кўп

кишилар ўлим жағосига ҳукм қилинмоқда. Шу районнинг ўзида ҳукумат қўшинларининг бомбардировкалари ва тўплардан отган ўқларидан юзлаб деҳқонлар ҳалок бўлди. Пренса латина агентлигининг мухбири Лима шаҳридан шу хабарни берди.

ҲИНДИСТОНДАГИ ОДАМХҲҮР ЙЎЛБАРСЛАР

ДЕҲЛИ. 23 октябр. (ТАСС). Ҳиндистондаги Орисса штатининг Нарайяпатан деган жойида одамхўр йўлбарслар ҳаммаи дахлатга солмақда. Матбуот хабарларига қўра, сўнгги ўн кун ичида бу йўлбарслар 26 кишининг ёғинини куритди. Шу ерда бу одамхўр

вахшиларнинг тўрт жуфти ишайди, деб ҳисобламоларди. Яқинда бир овчи Непал кенгаши ақинидаги Нанни Тал шаҳри атрофида отиб ўлдирган йўлбарс бир неча ҳафта ичида 20 дан ортқ кишини ўлдирган экан.



Бу суратни штатсиз фото-мухбир Л. Глауберзон редакцияга олиб келди. Бу пойтахтнинг ақини манзарасидан бир лаҳза. Фрунзе майдонининг қиёфасига ҳус бўлиб тушган Бахт уйи ва хёбонлар бундан икки-уч йил илгари йўқ эди. Дарҳақиқат пойтахтнинг даҳшатли бинолар, кенг кўчалар, янги массовлар кун сайин бунёд этилмоқда. Шаҳринининг жамоли тобора кўрамлашмоқда.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Шу кунларда Украина, Молдавия ва Ленинграднинг ёш футболчилари пойтахтнинг маҳкам бўлиб туришлари, Улар «Пахтакор» стадионида Ўзбекистон терма командаси билан бирга ВЛКСМ Марказий Комитети «Уни» кубоқининг финал мусобақаларини ўтказмоқда. Шанба кунини Ўзбекистон ва Ленинград футболчилари майдонга тушибди, Ёмғирда тўғри тактикадан қўйлаб олган меҳмонлар ўзбек футболчилари дарвозасига иккинчи ўн киритишди. Майдон эгалари ҳар қанча ҳужум қилишмасин, дарвозани нишонга ололмадилар. Республиканинг командасининг Муратидин, Антанде, Солохо ваби ҳужумчилари иккинчи ўннинг иккинчи ўн киритишди. Учрашув тугашига оз қолганда 11 метрдан урилган бир тўп билан чеканчилар ҳосос. Бу мағлубият ўзбек футболчиларининг Кубока бўлган уинларининг пугча чиқарди. Энди улар эртага учинчи ўрни учун курашадилар.

Шанба ва яшнба кунин мамлакат биринчилигининг «А» ва «Б» классиде ҳамда халқаро миқёсда қизғин мусобақалар бўлди. Пойтахт спартакчилари Куйбисhevнинг «Крилья Советов» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар, Эсин рақиблар — Тбилиси динамочилари билан Москва торпедчиларини учрашувини 1:1 ҳисобида дурраб бўлиб тугади. Бу галаба «Торпед»нинг хозирча биринчи ўрнига олиб чиқди. Ленин Тбилисиде

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 26 ОКТЯБРЬ 1965 ЙИЛ.

ОЛАМ ЎТГАН ҲАФТА ИЧИДА

АҚШДА УРУШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР

Сўнгги кунларда Қўшма Штатларнинг турли шаҳарларида Пен-тагон томонидан Вьетнамда бошланган бемаъни урушга қарши кўп миң кишилик намоишлар, норозилик митинглари, кўп кишилик юришлар бўлиб ўтмоқда. Америкада юзга яқин шаҳар — Нью-Йорк ва Вашингтон, Чикаго ва Кливленд, Беркли ва Денвер ҳамда кўпгина бошқа шаҳарлар оддий америкаликлар урушга қарши ўтказган силсиз намоишларнинг макони бўлиб қолди. Бу намоишларда Америка жамоатчилиги гўят кенг табақаларининг намоишлари бўлиб иштирок этишди, студентлар, университетларнинг профессорлари, хотин-қизлар қатнашмоқда. Вьетнам халқига қарши қилинган агрессия Вьетнам Штатларда нақадар назардан қолганлигини ана шу намоишлар аниқла кўрсатмоқда.

Нью-Йоркда ўтказилган митинглардан бирининг раиси, «Либерейтер» журналининг редактори Дейв Деллинкер бундай деди: «Башарти ўтганини биланларда Германияда ана шундай кўп кишилик юришлар уюштирилганда, эҳтимол, иккинчи жаҳон уруши бошланмаган бўлар эди».

Америка Вьетнамда олиб бораётган урушнинг кенгайтирилишига Қўшма Штатларнинг ёшлари айланиш жонбозлик билан қарши чиқмоқдалар. Ҳарбий хизматга чақирилган америкалик йигитлар турмага қамаласиз, деган дўшманига қарамай, Вьетнамга жўнаб кетишдан тобора қўллаб-қувватлашмоқда. «Менинг тенг-

курум бўлган кишиларнинг дегарли ҳар бири, — деди яқинда «Студентлар демократик жағият тарафдори» номли Америкадаги оммавий ташкилотнинг миллий секретари, — башарти иккинчи ўзида бўлганда, ёшларининг кўра бунёд этишини, қўшма солишдан кўра ўқитишни, ўқитишдан кўра ёрдам беришни афзал кўрган бўлар эди». Ленин Вашингтондаги давлат арбоблари ўзларининг минг-минглаб юртдошларига уларга ёт бўлган маънавиятлар йўлида жағ қилиш кўтуқидан бўлак ҳушқўб бериш истамайдиганлар.

Вьетнамдаги Америка агрессиясининг миқёслари кун сайин кенгайиб бормоқда. Эндиликда Жанубий Вьетнамни овоз қилиш Миллий фронтга қарши операцияларни Сайгондаги қўғирчоқлар эмас, балки Американинг мунтаза қисмлари олиб бормоқда, ана шу ваҳшиёна операцияларда газларни, захарловчи моддаларни ва бошқа янги қирғин вотидаларни ишга солмақда. Америка давлат арбобларининг айтган гапларига қараганда, ҳатто Вьетнамдаги уруш тўхтатилган тақдирда ҳам, Америка қўшинлари у ердан олиб кетилмайдилар. Вашингтон Жанубий Вьетнамни Жанубий Корей, Тайван ва Окинава қабиллида доимий оккупация зонасига айлантириб олишга иштирокда.

Ленин Америка жамоатчилиги, бошқа кўпгина мамлакатларнинг халқлари, Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги агрессия сиёсатига қатъий қарши чиқмоқдалар ва бу сиёсатга чек қўйишни талаб қилмоқдалар.

КОНГО ИШКАЛИ

Леопольдвилда Балувакат партиясининг раҳбари, Катангадан чиққан Эварист Кимба бошлиқ Конгонинг янги ҳукумати ўз вақтлари бажаришга киришди. Шундай қилиб, Конгонинг сиёсий майдонидеги алмашишларнинг галдаги давраси тугади. Президент Касавубу Чомбе ҳукумати истефогачи қиларилганлигини 13 октябрдаги парламентда эълон қилиб, ҳокимият тепасига янги ҳукуматни олиб келди.

Чомбе ўзининг ҳаддан ташқари тез оқиб кетган сиёсий мартабасини иккинчи марта қўлдан бериб қўйди. Маълумки, 1963 йил мар-

да Катангадаги сепаратчилар ҳаракати тор-мор қилингандан кейин, у ўзининг Гарбий Европадаги шефлари, пансионга бориб, қўшма яшашга мажбур бўлган эди. Америкалик баъзи озорчилар ўша вақтда ҳовлиқимлик қилиб, Моиз Чомбеннинг жағозасини ўқиган ва унинг гўрғи гишт териб қўйган эдилар. Лекин оқсизда туриб, Касавубунинг шаънига роса дўш-қўшлардан ёғдиган Катангалик қочоқ 12 ой ўтмасдан, ўтган йил ёзида Леопольдвилга «оқ тулпор»да кириб келди ва ана шу Касавубунинг ўзи уни марказ-

ий ҳукуматга бошлиқ қилиб таъинланди.

Бу сиёсий ўзгариш икки аски рақибнинг олижаноблик билан муросига келиши натижасида бўй берган эмас эди, албатта. Конго тақдирини ҳал қилувчи ҳақиний ҳужжатлар бўлган Гарбий Европада монополиялари билан Америка монополиялари ўша вақтда бу мамлакатдаги воқеалар дахлатли тус олиб кетишини пайқаб, бир мурсага келдилар ва Чомбенни тойдилар. Улар Катанганинг собиқ ҳукмдори, империалистик кучларнинг сардорлиги ва тажрибали жаллодини бутун Конго бўйлаб авж олиб кетган қўшма ҳолонинг бўғувчи бош кўзидеги қилиб қўйишга қарор бердилар. Чомбе ўзига тошйрилган вафодани бажариш учун куч-қувватини аямасди.

Лекин тажрибали сиёсатбоз бўлган Чомбе ўзининг Леопольдвилда зинапоясидан баланд кўтарилиш маълум поғоналарга чек қўйишнинг тўхтатилиши билан, албатта. Хали Жозеф Касавубу президент лавозимини эгаллаб турган эди, Чомбе ўзининг ҳокимият тепасида бемалол ўтириб-ришдан сира хонтама бўлмаслиги керак эди. Ким киши енгасди? — деган масала Леопольдвилдаги сиёсат майдонидан ҳеч қачон олиб ташланмади. Чомбе бош министрлик мақоидан фойдаланиб, ўз позицияларини мустаҳкамлаб олиш ва кенгайтиришга ҳаракат қилди. У қўлдан-қўл гуруҳлардан «Юнако» деган партияни сўди, партиянинг сайловларини қобилиятлириш йўли билан ўзининг қўшма одамларини миллат мажлисига ўтказиб олди ҳамда молиявий ва ҳарбий жиҳатдан мадад кўрсатиш ҳақида Бельгиянинг ва Гарбий Европадаги бошқа давлатларнинг ваъдасини олди.

Леопольдвилда енг ичида бораётган кураш Конгода иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик ўрнатилуш учун Гарбининг молия қорғаловлари ўртасида ва, аналло, Бельгия билан Америка монополияларини ўртасида кескин оқиб-шу давом этаётганлигини кўрсатди. Вашингтон Конгода фақат Американинг таъсирини ўрнатилишга йитилиб, ҳеч қачон фақат ёғиз бир арбобга таянган эмас. Америка сиёсати ўз йуналишини неча мартабала ўзгартирган. Бир вақтлар АҚШнинг катангалик сепаратчи Моиз Чомбе Конгога қайтиб келишига розилик берганлиги

шундай «тадбирдорлик»нинг натижаси бўлган эди. Бунинг устига АҚШ қўғирчоқлар ҳаракатига қарши курашмоқ учун Чомбе режими саҳийлик билан молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсатиб келди. Ту нисда чиқадиган ҳафталик «Жен Африка» газетаси Леопольдвилдаги аҳолини таҳдид қилиб, Чомбеннинг оқсизда кўпроқ ким турганини: Америка разведкасини, ёки Бельгиянинг «Юнион миньер» концернини — бунини аниқ айтиш қийин, деб ёзди.

Бирок, Чомбеннинг бурди бутунлай кетиб қолганлигини, ҳатто Чомбе режимида Африка — Малайша гуруҳига киритиш йўли билан ҳам унинг оқсизини кўтаришга муваффақ бўлимаганлигини оқсизда қолмадилар. Африка мамлакатларининг ақсарий қўшчилиги Чомбе ҳукумати билан алоқа боғлашдан бош тортди. Ана шуларнинг ҳаммаси Ақсиздаги конференциядан сал олдинроқ бу ҳукуматни қўлашга сабаб бўлганга ўхшайди. Шунини диққатга сазоворки, АҚШ давлат секретариининг ердамчиси Меннен Уильямс ақинидаги Африкани кезиб чикан эди. «Уильямс савод берган Африка ҳукуматларининг қўчилиги, — деб ёзди махшур француз журналисти Женевиёва Табуи, — Чомбе Конгонинг вақили бўлмаган тақдирдагина Конго Африка давлатлари орасидан ўз ўрнини эгаллайди, деган маънодаги гапни айтдилар».

Мана шу ҳолатларнинг ҳаммаси Касавубуга ўзининг хатарли рақибини орадан йўқотишини етиллатишди. Чомбе ҳукуматининг қўлашга шак-шубҳасиз шундан далолат бериб турибдики, империалистик кучлар мустабит Африканинг фикри билан тобора кўпроқ ҳисоблашга мажбур бўлмоқдалар. Бирок, бу истефогачи Конгодаги чўқур сиёсий тангликни бартараф қилмайдилар. «Чинакам танглик шундан иборатки, — деб ёзди Қоҳирада чиқадиган «Журнал д'Эжипт» газетаси, — Конго халқининг революцион ҳаракатини бостириб мақсадида империалистлар ана шу мамлакатда интервенция қилмоқда. Шу сабабдан, Леопольдвилдаги сиёсий ишқалда қандай ўзгаришлар бўй бермасин, Конгонинг келажиги миллий озоқлик кучлари олиб бораётган қаттиқ курашда хал бўлади.

Ф. САЙФУЛ-МУЛҚОВ.
(ТАСС).

БИРИНЧИ ЎЗБЕКЧА КАЛЕНДАРЬ

Кутубхонанинг бу бўлимида нодир китоблар сақланади. Кўпдан бери эъзозлаб сақланган нелатган эсарлар орасида ўзбек тилида босилган чиққан ноб китоблар ҳам бор. Шулардан бири «1872 йил календарий».

— Бу китоб том маъноси билан ўзбек тилида нашр этилган дастлаб. й календарий, — дейди А. Навоий номидеги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасининг бош кутубхоначиси ўртоқ Е. Китович. — Шу билан бирга бу асар ўзбекча босма китобларнинг нодирлиги ҳақида ҳам эъзозланади.

«1872 йил календарий» Иброҳимов фамилияли ишчи томонидан тузилган. Китоб бор-йўғи 300 мусхадда босилиб чиққан. Шулардан биттаси кутубхонамида сақланади. Библиография ҳақидаги бу календарда 1872 йилда бўлиб ўтган муҳим саналар ҳикоят қилинган. Календарь ўзбек халқи тарихини ўрганишда китобхонага кўп маълумотлар беради.

«1872 йил календарий» Иброҳимов фамилияли ишчи томонидан тузилган. Китоб бор-йўғи 300 мусхадда босилиб чиққан. Шулардан биттаси кутубхонамида сақланади. Библиография ҳақидаги бу календарда 1872 йилда бўлиб ўтган муҳим саналар ҳикоят қилинган. Календарь ўзбек халқи тарихини ўрганишда китобхонага кўп маълумотлар беради.

Радикунит (айниқса, агар у умуртга поғонасидеги ўзгаришлар асосида юз берган бўлса) қайталош мумкин. Бундан ташқари радикулитдан азият чеккан айрим кишиларда бел оғриғи қисман давом этиб туради. «Эрталаб зўғра тураман, — деб шикоят қилишди улар, — сўнгра юриб кетиб ҳеч нарса сезмайман». Еки аксинча бўлади: «Кечқурун зўғра столида ўтирмаман-у, сўнгра аранг қадимини ростлайман». Бундай ҳолда нима қилиш керак? Эрталаб гимнастика бу ҳолда муҳим рецент бўла олади. Бадантарбияни мунтазам қилиб туриш керак: Шунда у ердам беради.

Радикунит бўлган кишилар ўзларини оғир жимсийи мунатдан ва баданини соғуқдан сақлашлари керак.

Профессор Е. ШМИДТ, СССР медицина факультети академиясининг ҳақиний аъзоси. («ТРУД» дан).

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Массўл секретари — 34808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 31936. Фан тармуши — 25811. Саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маъийи ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Массўл секретари — 34808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 31936. Фан тармуши — 25811. Саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маъийи ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Массўл секретари — 34808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 31936. Фан тармуши — 25811. Саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маъийи ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Массўл секретари — 34808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 31936. Фан тармуши — 25811. Саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маъийи ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

ОЧИЛИШИ

30/Х да — Гули сийҳ
31/Х да — Тошбўла ошми.
1/Х да — Ёшликда берган кўнгли.
3/Х да — Уғил уйлантириш.
4/Х да — Ишқин билан.
5/Х да — Икки билағузу.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА
Усуна ремонт қилувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, штамплари синович наладчилар, универсал-токари, токарлар автоматларига автоматчилар, химия лабораторияси бошлиғи, металл конструкторларини йиғувчи слесарлар, бўёқчилар, электромонтажчилар, тукунасозлар, прессчилар, электронлар зарфиятлари, электромонтерлар, ердамчи ишчилар, пластмасса инженерлари, электрпайвандчи.

КЕРАК
Рухловчи, прессчи, штамповачи, косоварлар, ўргаткиш учун шогирдлар ҳам қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Манжар кўчаси 135-ўй (5-трамвай, 7, 12, 17, 22, 28-автостанция «Корпус» останақаси).

Братск кўчаси, 57-ўйда турувчи Сергей Васильевич Крутовнинг Ершов кўчаси, 47-ўйда турувчи Раиса Федоровна Кияжевадан ақарлиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида қўрилади.

Ўзбекистон аэроетига ва автотранспорт илмий текшириш институтини коллективни институт ҳодимларидан
Олег Борисович КАПЛИНСКИЙ,
Михаил Сергеевич ТИМОФЕЕВИЧ,
Баҳодир Йўлдошев МАРХАНОВИЧ,
Христов Ахилеас КАПАСНИН
Фонкиев вафот этганликлари қайғу билан билдириб, қариндош ва яқинларига чўқур тўғри изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Массўл секретари — 34808. Пропаганда, адабият ва санъат бўлими — 31936. Фан тармуши — 25811. Саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва олий ўқув юрлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маъийи ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

ОБУНА ҚИЗГИНИ

Кон устини очини разрезни хасаб соиз комитетни расисини хонаси қончилар билан ҳар қачонидан ҳам ганжуи. Хонага кириб чиқетган ишчи-хизматчиларнинг кети узилмади. Бу ерда газета ва журналларга обуна ўтказилмоқда.

Экскаватор машинистини Э. Абдуллаев биринчи бўлиб «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати» газеталарига ва «Шахтер» журналига ёзди. Буёлдоверчи Н. Нормуродов, йўлчилар бригадаси бошлиғи А. Шерматов ўр-

тоқлар ҳам республика ва област газеталарига обуна бўлишди. Шу қўнғача разрез қончилари 1800 сўмлик газета ва журналларга ёзилдилар. Обуна қизғин давом этмоқда.

И. АХМЕДОВ.

Р. 01285. Индекс 64969. Нашр. № 1877.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.